

2. Боғлар майдонларининг маълумотлар базасини шакллантириш (ҳосилдорлик, майдон, агрофизик ва агрокимёвий хусусиятлар, мева ва мева экинларининг ривожланиш даражаси).

Мева экинларининг ривожланишини кузатиш космик суратлар ёрдамида амалга оширилади. Кейин уларнинг асосида ўсимлик ва ривожланиш карталари қурилади. Ҳар бир участкада махсус қурилмалар ёрдамида тупроқнинг ҳарорати, шамолнинг тезлиги, ҳаво юзаси қатлами, ёғингарчилик миқдори ва бошқалар қайд этилади.

Ихтисослаштирилган дастурий таъминот ёрдамида технологик харитаси (ишлов беришдан ўрим-йиғимгача) тўлдирилади ва иқтисодий ҳисоб-китоблар ва умумий маълумотлар чиқарилади.

3. Дастур қарорларни қабул қилиш учун визуал шаклларни таҳлил қилади ва таъминлайди.

4. Қабул қилинган қарорларга кўра, мева-резавор мева экинларини табақлаштирилган усулда қайта ишлаш учун қишлоқ хўжалик бўлимларининг роботлаштирилган қурилмаларига юкланадиган чип-карталарда буйруқлар чиқарилади.

Бинобарин, бошқарув жараёни соддалашади, бу эса мутахассисларга тез ва етарли даражада қарор қабул қилиш ва вазиятни тўғрилаш имконини беради. Натижада тежамкор технологияларнинг қўлланилганлиги сабабли ўсимликларни ҳимоя қилувчи воситалари ҳамда энергия ташувчилар тежалашади. Бутун ишлаб чиқариш цикли электрон тарзда кузатилади ва ҳужжатлаштирилади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида юқори сифатли мева ва резавор маҳсулотларни етиштиришни таъминлайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлса мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда “Ақлли ва рақамли қишлоқ хўжалиги” технологиясини жорий этиш, унинг техник воситалари ва технологик ускуналарни ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришга эришишталаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони. <https://www.lex.uz/docs/4567334>

2. Фуломов С.С. Рақамли иқтисодиётда блокчейк технологиялари. Ўқув қўлланма. 2019. 443 бет.

3. Тешабоев Т.З. Отақўзиева З.М. Ахборотлашган иқтисодиёт. Тошкент, 2017. 365 бет.

*Н.А. Юлдашева*  
*Фарғона политехника институти, Фарғона, Ўзбекистон*  
*nilush1986@bk.ru*

#### **КОРХОНАЛАРДА ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада корхоналарда инқироз ҳолатларини баҳолаш, инқироз ва банкротликнинг фарқли жиҳатлари ёритиб берилган. Банкротлик турлари, босқичлари, банкротликка олиб келувчи омиллар тавсифланган, банкротликни бартараф этиш бўйича тақлифлар келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** инқироз, банкротлик, банкротлик институти,

*бошқарув тизими.*

Корхона фаолиятини таҳлил қилиш учун дастлаб унинг ҳолатини баҳолаш лозим. Бинобарин, инқирозга қарши бошқарувни амалга оширишда инқироз даражасини аниқлаб олиш зарур. Инқироз — тараққиётда орқага кетиш, таназзул. Ҳар қандай объект ўзининг ривожланиши мобайнида пайдо бўлиш, улғайиш, пасайиш ва ҳалок бўлиш босқичларидан ўтади. Ҳар қандай тизим (объект)нинг нисбатан юқори даражада шаклланган ҳолатидан қуйи даражадаги ҳолатга ўтиш жараёни инқироз даври дейилади.

Корхона миқёсидаги инқирозларни қуйидагича классификациялаш мумкин:

Локал инқироз – алоҳида мақсадга эриша олмаслик ёхуд бошқарув тизимдаги бир бўғиннинг барбод бўлиши натижаси ҳисобланади. (ҳом ашё манбаини йўқотиш, транспорт тизимидаги ўзгаришлар, малакали мутахассиснинг ишдан бўшаши);

Стратегик инқироз – технологик потенциал асосидаги нормал ишлаб чиқариш жараёнининг радикал бузилиши, таназзул.

Банкротлик даражасидаги инқироз – корхона яшаш қобилиятининг буткул йўқолиши, ликвидлик инқироzi.

Банкротлик (иқтисодий ночорлик) – иқтисодий суд томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги [3].

Банкротлик – инқироз ҳолатининг шундай кўринишики, унда фирма кредиторлик қарзларини тўлашига ҳеч қандай имконият қолмайди ва тўлов қобилиятини ўз хусусий капитали ҳисобига қоплай олмайди [2].

А.А.Воробьев саноат корхоналарининг инқироз жараёнларини таъсирга кўра уч турга бўлиб кўрсатган:

1. Барқарор фаолиятдаги корхона;

2. Инқироз ҳолатидаги корхона (инқироз кўлами ва хусусияти турлича бўлиши мумкин);

3. Мулқдор комплекс (корхона) – яширин банкрот [1].

Банкротлик бутун жаҳонда энг муҳим молиявий институт сифатида корхоналарнинг хўжалик муносабатларини тартибга солиниши билан хусусиятланади. Корхонанинг инқироzi банкротликка ёки молиявий ночорликка олиб келади. Шу сабабли хорижда банкротликни тартибга солишга катта эътибор берилган.

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, банкротлик – амалиётда икки хил маънода қўлланилади. Бир томондан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ёки тугатиш билан боғлиқ таомиллар комплексига нисбатан ишлатилса, иккинчи томондан, истиқболсиз корхоналарни тугатиш давридаги ҳолатига баҳо беришда фойдаланилади. Банкротлик атамаси таомиллар тизими ҳамда истиқболсиз корхонанинг ҳолатини англатади.

Банкротлик институти қуйидаги усуллар билан иқтисодиётга таъсир қилиши ва соғломлаштириши мумкин:

1) Тўловга қодир бўлмаган қарздорларни тижорат фаолиятини тугатиш;

2) Иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган хўжалик юритувчи субъектларга ўз фаолиятини қайта ташкил қилиш ва тўлов қобилиятини тиклашга имконият бериш орқали [4].

Амалиётда банкротликнинг қуйидаги турлари кузатилади:

1. Реал банкротлик. Корхонанинг ўз капиталини йўқотганлиги натижасида тўловлилик қобилиятини тиклай олмаслиги. Йирик миқдордаги қарзлар, капитал йўқотилишининг юқори даражаси корхонага хўжалик ишлаб чиқариш жараёнини

амалга оширишга йўл қўймайди. Ушбу ҳолатда корхонани тугатиш, юридик шахсни реорганизация қилиш чоралари қўрилади.

2. Вақтинчалик, шартли банкротлик корхона кредиторлик қарзлари муддати ўтиб кетиши, йирик ҳажмдаги дебитор қарздорлик, активлар суммаси корхона қарзлари нисбатан устун бўлган ҳолатларда юз беради. Банкротликнинг бу турида инқирозга қарши бошқарувда санация ва молиявий соғломлаштиришнинг самарали усулларидан фойдаланиш туфайли корхона тугатилмайди. Молиявий соғломлаштириш ва ташқи бошқарув натижасида корхона тўловлилик қобилятининг тикланишига, ишлаб чиқаришни бозор талабларига йўналтиришга ва корхонанинг нормал фаолият юритишини таъминлашга кўмаклашади.

3. Атайлаб қилинган (қасддан) банкротлик раҳбарият ва корхона ташкилотчилари томнидан атайлабдан турли манфаатлар йўлида иқтисодий зарар етказган ҳолда унинг тўловга лаёқатсизлик ҳолатини келтириб чиқариш (корхона воситаларини турли йўллар орқали ўғирлаш) орқали содир бўлади.


4. Сохта банкротлик корхона томонидан кредиторларни чалғитиб, улардан молиявий мажбуриятлари бўйича қўшимча муддат олиш, қарзларидан чегирмалар олиш ёки бозор талабларига жавоб бермайдиган тайёр маҳсулотни қарзларни сўндириш учун бериш мақсадида ўзининг тўловга қобилятсизлиги тўғрисида ёлғон эълон бериш ҳолати ҳисобланади. Ушбу ҳолатда корхона сохта банкротлик ҳолатини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Корхона, ташкилот давлат рўйхатидан ўтгач, юридик шахс мақомини олади, шунингдек, у ташқи ҳуқуқий субъектлар олдида ҳуқуқ, мажбуриятларни олади. Банкротлик таомилси нуқтаи назаридан, масъулият ва мажбурият ўз вақтида мажбуриятларни бажариш, қарзларни тўлиқ қоплаш ва мажбурий тўлов ҳамда кредиторлар олдидаги мажбуриятларни вақтида бажариш бўйича масъулиятидир.

Ҳуқуқлар банкротлик таомил нуқтаи назаридан қарздордан ўз воситаларини қайтариш, қарзларни сўндириш ва ўз вақтида тўланмаганлиги учун суд органларига мурожаат қилинунига қадар компенсация тўлаш ҳисобланади.

Банкротлик жараёни юридик ва жисмоний шахсларга қарзларини тўлаш ҳамда келгусида корхона фаолиятида тадбиркорлик фаолиятини тиклаш мақсадини ўз олдида қўяди. Бу борада биринчи навбатда корхонанинг тўловлилик қобилятини тиклаш, иккинчи навбатда кредиторлик қарзларини тўлаш лозим.

Фикримизча, банкротлик босқичларини қуйидагича тартибланиш мумкин (1- расм.):



## 1-расм. Банкротлик босқичлари<sup>12</sup>

Яъни корхонада молиявий беқарорлик маълум сабаблар натижасида пайдо бўлгач, унинг аломатлари юзага келади. Омиллар узоқ муддатли беқарорликка олиб келади.

Банкротлик ҳолатларига сабаб бўлувчи омиллар:

- бозор муносабатлари шароитида иқтисодий стратегия ва ривожланишнинг иқтисодий концепцияси мавжуд эмаслиги;
- давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкам эмаслиги;
- кадрлар, менежерларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги;
- тадбиркорлик бўйича ташкилий ҳуқуқий асослари етарли эмаслиги;
- бозор муносабатлари шароитига ўтишда ижтимоий психологик тўсиқлар;
- қониқарсиз молиявий иқтисодий ҳолатлар ва инновацион жараёнларнинг сустлиги;
- инфляция жараёнларининг юқори суръатда бўлиши

Ушбу омиллар кўп ҳолларда корхоналарнинг банкрот бўлишида объектив омиллар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларда 30% банкротлик ҳолатларига ташқи омилларга, қолганлари ички омилларга боғлиқ. Корхона банкротлиги деганда товар, хизматлар тўлови бўйича кредиторларнинг талабларини қондира олмаслик, бюджет, юрдуждан ташқари фондларга бўлган мажбурий тўловларни тўлай олмаслик ҳолатлари тушунилади.

Корхона банкротлиги белгилари кредиторлар талабларини унинг бажариш муддати келганида уч ой ичида бажара олмаслик натижасида унинг жорий тўловлари тўхтатилишида кўринади. Корхона суд томонидан ночор, қарзини тўлай олмайдиган деб топилганда, ёки тадбиркорлик ликвидацияси олдида қарздор деб расмий эълон қилинганда банкрот деб ҳисобланади.

Корхона банкрот деб топилганда унга нисбатан қуйидаги чоралар қўлланилади:

- Қайта ташкил этиш.
- Тугатиш.
- Келишув шартномаси.

Қайта ташкил этиш ва тугатиш тадбирлари санация бериш, суд қарори билан тугатиш, кредитор назорати остида корхонанинг ўз хохишига кўра тугатиш сингари чоралар орқали амалга оширилади.

Банкротлик ҳолатларида корхона менежерлари ўзининг тадбиркорлиги билан бу ҳолатдан чиқиш йўлини излаши лозим. Хусусан, ҳимоя тактикаси сифатида корхонадаги ички ишлаб чиқариш структурасини ва ходимлар сонини қисқартириш, технологик жиҳозларни сотиш, янги технология жорий этиш, янги таъминот қидириш ва маркетинг бошқарувини киритиш каби усулларни қўллаш лозим. Агар банкрот корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришга катта харажатлар талаб этилаётган бўлса, эски, камқувватли ишлаб чиқаришга чек қўйилиб, сифатсиз, харидоргир бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилишига, бошқарув харажатларни қисқартиришга эътибор қаратиш зарур.

Ушбу кўрсатилган чора-тадбирлар корхонани соғломлаштириш мақсадида ижобий натижа бериши мумкин, бироқ бу маълум муддатни ўз ичига олиб, инқироздан чиқиш учун корхонани ривожлантириш стратегик режасини ишлаб чиқиш

<sup>12</sup>Муаллиф ишланмаси.

даркор. Беқарорлик шароитларида корхоналарнинг функциялаштириш тажрибаси шуни кўрсатадики, инқироз ҳолатларида корхонани функциялаштиришнинг илк жараёни стратегик режаларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунинг учун корхона фаолиятининг барча соҳаларини чуқур таҳлил қилиш зарур. Бу ўз навбатида иқтисодий ҳолатни соғломлаштириш бўйича комплекс стратегик дастури бўлиб хизмат қилади.

Корхонада инқирозга қарши бошқарув тизимлари қуйидагиларга бўлинади:

➤ Корхона ишлаб чиқаришининг жисмоний ва маънавий эскириши даражасини, техник-технологик параметрларни баҳолаш билан бирга молиявий ҳолатни ташхислаш ва прогнозлаштириш тизими.

➤ Корхона фаолиятига доир инқирозга қарши маркетинг стратегияси ва тактикасини ўз ичига олган маркетинг тизими.

➤ Бир қанча бўғинларни ўз таркибига олувчи инвестициявий дастурларни ишлаб чиқувчи инвестициявий сиёсат.

➤ Персонални бошқариш тизими (кадрларни янгилаш, кадрлар малакасини ошириш, самарали стимул тизимини ишлаб чиқиш, меҳнат ва технологик интизомни яхшилаш, жамоада қулай ижтимоий-психологик муҳит яратиш).

➤ Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг техник-технологик томонларини қамраб олувчи ишлаб чиқариш менежменти тизими.

➤ Молиявий ресурслар ва пул маблағлари бошқарувида қўлланилувчи молиявий иқтисодий менежмент тизими. Бу тизим молиявий ташхислаш билан боғлиқ.

➤ Ташкилий-бошқарув тадбирлари тизими.

Ушбу тизимлар микродаражадаги инқирозга қарши бошқарувнинг алоҳида хусусиятларини акс эттиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Воробьев А.А.* Антикризисное управление промышленными предприятиями на основе проектных технологий. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2014. С. 56.

2. *Фомин Я.А.* Диагностика кризисного состояния предприятия: Учеб. пособие для вузов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. С. 5.

3. *Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 474-II-сонли «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни.* // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. *Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига Шарҳлар // Муаллифлар жамоаси: М.К.Азимов ва бошқ. Тошкент: 2007. 18-б.*

*И.К. Жўраев, илмий раҳбар Н.М. Махмудов*

*НамМТИ*

*Наманган, Ўзбекистан*

### **ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВТРИКОТАЖ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мақолада тўқимачилик ва тикувтрикотаж тармоқларидаги амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек,